

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2025 йил октябрь ойининг 22-куни, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья М.Мирзабоев, судья ёрдамчиси А.Комиловнинг котиблигида, тарафлардан Марғилон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси М.Эргашев, судланувчи Ш.Халмуратов ва унинг ҳимоячи Х.Абдурахмонов иштирокида, Халмуратов Шариф Умаровичга нисбатан 1-1513-2503/464-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Халмуратов Шариф Умарович (Xalmuratov Sharif Umarovich), 1965 йил 4 январда Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, пенсияда, муқаддам судланмаган, Марғилон шаҳар, Маориф маҳалла фуқаролар йиғини, Ҳавас кўчаси, 3-уйда яшайди, иш бўйича “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 6 октябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчининг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Халмуратов Шариф Умарович 2025 йил баҳор ойи бошида, ўзи яшаб келган Марғилон шаҳар, Маориф маҳалла фуқаролар йиғини, Ҳавас кўчаси, 3-уйи томорқасида униб чиққан экиш ва етиштириш қонун билан тақиқланган кўкнори ва каннабис ўсимликларини юлиб ташламасдан, алоҳида ишлов берган ҳолда парваришлаб келиб, етиштириб келаётган 3 туп “Каннабис” ўсимликларининг 1 тупини кесиб олиб, кўп миқдордаги ушбу гиёҳвандлик воситасини ўзига тегишли давлат рақами 40 S 623 ВВ бўлган “Cobalt” русумли автомашинанинг юкхонасига солиб, ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаб келган ва бу ҳолат Марғилон шаҳар ИИБ ходимлари томонидан 2025 йил 23 август куни ўтказилган тадбир давомида аниқланиб, томорқадан кесиб олинган 2 туп гиёҳвандлик воситасидан намуналар олиниб, қолган қисми ёкиш йўли билан йўқ қилинган ва автомашина юкхонасидан олинган 1 туп гиёҳвандлик воситаси синтетик қопга солиниб, ашёвий далил тариқасида олинган.

Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг наркология хизмати бўйича Фарғона вилояти филиалининг 2025 йил 27 августдаги 782-сонли хулосасида, Ш.Халмуратов



“Гашишли гиёҳвандлик 2-босқич, сурункали алкоголизм, паст прогредиентли кечуви, юқори толерантлиги билан доимий ичиш шакли” касаллиги билан оғриши, лекин 60 ёшдан ўтганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 1994 йил 28 декабрь кунги 327/600-сонли қўшма буйруғининг 1.7-бандига асосан гиёҳвандликдан мажбурий даволанишга мухтож эмаслиги кўрсатилган.

Судланувчи Ш.Халмуратов суд мажлисида, ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 2025 йил март ойида томорқасида 3 туп каннабис ўсимликлари униб чиққани, уларни юлиб ташламасдан, ўзи истеъмол қилиш мақсадида парваришлаб келгани, 2025 йил 23 август кунини кундузи маҳаллада вертолёт учгани, шунда вертолётни маҳаллада наша ўсимликлари ахтариш учун келишганини билиб, томорқасида ўсиб турган 1 туп наша ўсимлигини кесиб олгани ва уни уйдаги ўзига тегишли “Cobalt” русумли автомашинанинг юкхонасига солиб, уни уйдан олиб чиқмоқчи бўлганида, хонадонига Марғилон шаҳар ИИБ ходимлари кириб келишгани, улар томорқасида 2 туп ўсиб турган нашаларни ва автомашина юкхонасига юкланган янги чопиб олинган 1 туп наша ўсимликларини аниқлашгани, томорқадан кесиб олинган 2 туп гиёҳвандлик воситасидан намуналар олиниб, қолган қисми ёқиб юборилгани ва автомашина юкхонасидан олинган 1 туп гиёҳвандлик воситасини синтетик қопга солиб, ашёвий далил тариқасида олишгани, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини айтиб, суддан енгиллик берилишини сўради.

Судланувчи Ш.Халмуратов ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлса-да, унинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида текширилган ва жиноят ишида мавжуд қуйидаги далиллар билан тасдиқланади, жумладан:

- судда тарафларнинг розилиги билан кўрсатуви ўқиб эшиттирилган гувоҳлар Б.Рустамов ва Б.Холматовнинг терговдаги кўрсатуви;

- шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.4-12);

- Тошлоқ туман фермерлар кенгаши агрономи А.Комилжоновнинг, Ш.Халмуратовнинг яшаш уйи томорқасидаги 2 туп, бўйи 210-230 см бўлган наша ўсимлигига ўхшаш ўсимликка агротехник ишлов берилиб, парвариш қилиб келингани аниқлангани кўрсатилган хулосаси хулосаси (и.в.20);

- суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 28 августдаги, Ш.Халмуратов автомашинасининг юкхонасида аниқланган яшил рангли, қуритилмаган ҳолдаги ўзига хос ҳидга эга бўлган моддалар таркибида фаол гиёҳванд модда – тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу “марихуана” экани, қуритилмаган ҳолдаги марихуананинг жами соф оғирлиги 1680 (бир минг олти юз саксон) граммга тенглиги ҳақидаги 1655-сонли хулосаси (и.в.24-25);

- 2025 йил 28 августдаги, Ш.Халмуратовнинг томорқасидан далилий ашё тариқасида олинган яшил рангли, ўткир ҳидли наша ўсимлигига ўхшаш ўсимликдан, намуна сифатида олинган ёнлари аррасимон шаклда бўлиб, модда таркибида фаол гиёҳванд модда – тетрагидроканнабинол мавжудлиги, бу “каннабис” (наша) ўсимлиги барглари экани ҳақидаги 1654-сонли хулосаси



(и.в.26) ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиғини топади.

Суд, судланувчи Ш.Халмуратовнинг яшаш хонадони томорқасида экиш ва етиштириш қонун билан тақиқланган 3 туп “Каннабис” ўсимликларини етиштиришда ва 1680 грамм кўп миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлаб келганликда ифодаланган жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Ш.Халмуратовга жазо тури ва унинг миқдорини тайинлашда, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларига амал қилиб, ЖКнинг 56-моддасида белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни йўқ деб ҳисоблайди, ЖКнинг 55-моддасига асосан қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, пенсиядалигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан у содир этган жиноят учун жазо санкциясида кўрсатилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни ҳамда иш бўйича ашъвий далил тариқасида олиниб, экспертиза жараёнида сарфланганидан қолган, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасига 4884-сонли қвитанция асосида топширилган 1679 грамм “марихуана” ва 1 грамм “каннабис” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Халмуратов Шариф Умарович (Xalmuratov Sharif Umarovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Ш.Халмуратовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан яшаш жойи бўлган Марғилон шаҳар, Маориф маҳалла фуқаролар йиғини, Ҳавас кўчаси, 3-уйни у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан иборат 1 (бир) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ш.Халмуратовга ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан яшаш жойи бўлган Марғилон шаҳар, Маориф маҳалла фуқаролар йиғини, Ҳавас



кўчаси, 3-уйни у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан иборат 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ш.Халмуратовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 2-қисми тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил яшаш жойи бўлган Марғилон шаҳар, Маориф маҳалла фуқаролар йиғини, Ҳавас кўчаси, 3-уйни у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан иборат 3 (уч) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ш.Халмуратовга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасида 2025 йил 18 сентябрдаги 4884-сонли қвитанция асосида топширилган 1679 грамм “марихуана” ва 1 грамм “каннабис” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Фарғона вилоят судига протест ёки шикоят келтириш ҳуқуқига эга.

Раислик қилувчи

М.Мирзабоев

**Маъсул судья: Мирзабоев Миродил Минавварович**

